



ТЕРМИЗ ШАҲРИДАГИ ХАЛҚАРО ТРАНСПОРТ-ЛОГИСТИКА ХАБИ БМТ ГЛОБАЛ ТАЪМИНОТ ТАРМОҒИГА ҚЎШИЛДИ

Термиздаги марказ БМТнинг Қочқинлар бўйича Олий комиссари бошқармасининг саккизинчи халқаро омборига айланди.

11 февраль куни Термиз шаҳридаги Халқаро кўп функцияли транспорт ва логистика хабига БМТнинг Қочқинлар бўйича олий комиссари бошқармаси (БМТ ҚБОКБ) Глобал таъминот тармоғи омбори мақоми берилгани муносабати билан тантанали маросим бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Президентининг Афғонистон бўйича махсус вакили Исмаилов Иргашев, БМТ Бош қотибнинг Афғонистон бўйича махсус вакили ўринбосари Индрике Ратватте, БМТнинг Ўзбекистондаги доимий мувофикаштирувчиси Сабине Махл, ҚБОКБ минтақавий вакили Думитру Липкану, ҚБОКБ Афғонистон бўлими раҳбари Арафат Жамол, Сурхондарё вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги, божхона ва чегара хизматлари раҳбарияти ва бошқалар иштирок этди.

Хаб Ўзбекистон Президентини ташаббуси билан 2022 йилда БМТ, халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлардан Афғонистон ва бошқа давлатларга гуманитар ёрдамни марказлаштирилган ҳамда манзилли

етказиб беришни таъминлаш мақсадида “TERMEZ CARGO CENTRE” МЧЖ негизда ташкил этилган.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 78-сессиясидаги нутқида жаҳон ҳамжамиятини Афғонистон муаммосини ҳал этишда бирлашишга чақирар экан, афғон халқига кўрсатилаётган инсонпарварлик ёрдами заифлашмаслиги кераклигини таъкидлади.

ҚБОКБ глобал тармоғига Аммон (Иордания), Дубай (БАА), Найроби (Кения), Аккра (Гана), Дуала (Камерун), Копенгаген (Дания) ва Панама Сити (Панама) шаҳарларида жойлашган еттига омбор мажмуаси қиради. Ҳар йили ушбу инфраструктура инсонпарварлик инқирозларига тезкорлик билан жавоб бериш учун 500 миллион доллардан ортиқ қийматдаги асосий маҳсулотлар (чодирлар, кўрпачушаклар, ошхона жиҳозлари, дори-дармон ва бошқалар)ни қайта ишлайди.

► Давоми 2-бетда

ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЯШИЛ ЧИРОҒИ

Давра суҳбати

Тасаввур килинг, эртдан машинангиз ҳаракатланиши учун ёқилғи қуймасангиз, қувватлантиришга пул тўламасангиз. Ё бўлмаса, уйингизни ёритганингиз, телевизор, музлаткич, советкичдан фойдаланганингиз, боринки, таом пишириб, хонадонингизни иситганингиз учун ҳеч қандай тўловни амалга оширмасангиз. Даромадингиз манбаи иссиқхонанингизни ишлатишга, цех, заводингиз электр энергиясига заррача харажат қилмасангиз, қандай бўлади? Бунинг устига соф экологик муҳит тоза ҳаво, ҳаммаёқ яшилликка бурканган манзилда истиқомат қилсангиз-чи?



Мутахассислар “яшил иқтисодиёт” тизимига ўтиш орқали мамлакатда шундай имкониятлар яратилишини айтмоқда. Бу тизим қайта тикланувчи, муқобил энергия манбаларига таянади. Ушбу манбалар эса ҳозир ҳам инсоният пул тўламай фойдаланадиган қуёш нури, шамол ва сув манбаларига асослангани мутахассислар фикрида жон борлигини кўрсатади. Бундай жамиятни яратиш ўз қўлимизда экани янада

қувонarli. Шу боис, бугунги глобал иқтисодий инқироз авж олаётган, экологик муаммолар ортган бир пайтда дунё ҳамжамияти учун “яшил иқтисодиёт” тизимига ўтиш энг оқилона чора сифатида кўрилмақда. Келинг, ушбу тизимга ўтишни зарурати ҳамда унинг фойда ва камчиликлари ҳақида батафсил фикр юритамиз.

► Давоми 3-бетда

ЁМҒИР СУВИДАН МЎМАЙ ДАРОМАД ТОПАЁТГАН МАКТАБ ЙИГИЛГАН МАБЛАҒ ҚАНДАЙ САРФЛАНАДИ?

Ташаббус

Анча вақтдан буён мактабдаги бўш ердан унумли фойдаланиш устида изланиб юрган директорни энг биринчи навбатда сув масаласи ўйланганди. Ахир бу яқин атрофда оқар сувнинг ўзи йўқ. Бундан ташқари, мактаб ҳовлиси кичик бўлса экан, озгина сув билан муаммони ҳал қилиб қўйса. Аслида, Деҳқонобод туманининг аксарият ҳудудига оқар сув келмайди. Янги экилган дарактлар амал олдиришининг ўзи мушкул. 97-мактаб биноси қурилганига ҳам ҳали кўп бўлгани йўқ. Қурилишдан қолган ҳудудни тозалаш, ерни экишга тайёрлаб олишининг ўзи бўлмади. Бунинг учун катта меҳнат сарфланди.



Янги жойда битта ниҳолни кўклатишнинг ўзи бўлмайди. Утган йили мактаб ҳовлисида илк марта ўтказилган ниҳолларнинг аксариятини ёзинг жазирасидан сақлаб қолиш осон кечгани йўқ. Имкон даражасида ҳашар қилиб, челақлаб сув қуйган ҳолатлар бўлди. Шу сабаб кекса

боғбонлар маслаҳатига қулоқ тутиб, иқлимга мос ниҳолларни экишга ҳаракат қилинмоқда. Бу эса ўз самарасини бермай қолмайди. Хусусан, жамоада меҳнат қилаётган Жума ота Баратовнинг боғдорчиликда тажрибаси катта. Унинг ўғитларига қулоқ тутган одам кам бўлмайди. Ҳовлидаги

► Давоми 5-бетда

Таҳлил

ОҚИЛА ВА ЎҚИМИШЛИ АЁЛЛАР – БУЮК КЕЛАЖАК ЯРАТУВЧИЛАРИ

Бугунги ривожланиш жараёнларида самарали давлат бошқарувини аёллар иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди. Халқаро тажриба кўрсатмоқдаки, гендер мувозанатга эга давлат бошқаруви инклюзив иқтисодиёт ривож, қабул қилинадиган қарорлар сифати ва давлат идораларига аҳоли ишончи ошишига ижобий таъсир кўрсатади.

БМТ Тараққиёт дастури — UNDP маълумотларига кўра, раҳбарлик лавозимларида аёллар улуши 30 фоиздан ошган мамлакатлар иқтисодий ва ижтимоий бардошлиликка эгадир.

Жаҳон банки тадқиқотларига қараганда, гендер тенглик таъминланган давлат-

ларда коррупция даражаси пастлагани кузатилади. Чунки аёл раҳбарлар узоқ муддатли стратегия ва ижтимоий масъулиятга янада кўпроқ йўналтирилган бўлади.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда давлат бошқарувида эркаклар ва аёллар ўртасида тенгликни таъминлаш борасида жиддий қадамлар қўйилди. Соҳага оид норматив-ҳуқуқий база такомиллаштирилди. Хусусан, гендер тенгликни таъминлаш бўйича қонунчилик ва институционал негизларни мустаҳкамлаш йўлида муҳим чоралар кўрилиб, хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган 20 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди.

► Давоми 2-бетда



Бугуннинг гапи



Самарқанддан САН-РЕМОГАЧА

ёхуд мамлакатимизда туризмнинг янги даври бошланмоқда

Миллий иқтисодиётимизнинг асосий бўғинларидан бири бўлган туризм соҳасида мавжуд имкониятларни ишга солишга қаратилган тизимли ислохотларнинг самараси эътирофга молик. Юртимиз довруғини ёйишда замонавий бунёдкорлик ишлари, сайёҳлик манзилларини кўпайтириш каби жиҳатлар мавжудки, бугунги кунда ушбу йўналиш янги ривожланиш босқичига ўтмоқда.

Туризм хизмат кўрсатиш соҳасини рағбатлантиради ҳамда шу орқали аэропортлар, вокзаллар, умуман, транспорт тизими, меҳмонхоналар, хостеллар, оилавий меҳмон уйлари, шунингдек, умумий овқатланиш, савдо, хунармандлик, маданият ва санъат соҳалари ривожининг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Шу сабаб мамлакатимизда туризмни янги босқичга кўтаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Президентимизнинг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон — 2030” стратегияси тўғрисида”ги фармонида мамлакатимизда ташқи ва ички туризмни ривожлантириш учун кенг шароитлар яратиш орқали сайёҳлар сонини ошириш, ҳудудларда хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш бўйича аниқ мақсадлар белгилаб берилган.

Утган ҳафта, яъни 7 февраль куни Президентимиз раислигида ўтган

► Давоми 6-бетда

Давра суҳбати

ТАРАҚҚИЁТНИНГ

ЯШИЛ ЧИРОФИ

Бошланиши 1-бетда

Ахборот маконини кузатар эканмиз, табиий офатлар — ёнғин ёки тўфонлар аввалгидан кўпроқ бўлаётганини фаҳмлаётимиз. Статистик маълумотларга кўра, биргина ўтган йилнинг ўзида табиий офатлар оқибатида дунё иқтисодиёти 320 миллиард доллар зарар кўрган. Бу кўрсаткич 2023 йилгидан 30 фоиз юқори. Балки олис мамлакатлардаги ҳодисалар тўғрисидаги хабарлар сизга кўп ҳам дахлдордек туюлмаётгандир. Аммо кейинги йилларда минтақамиз, бориинки, мамлакатимизнинг турли ҳудудларида иқлимнинг кескин ўзгариши, чанг бўронлари рўй бераётгани глобал экологик муаммоларнинг биздан у қадар ҳам олисда эмаслигини кўрсатади.

Экологик муаммоларга қарши курашишнинг бирламчи усули қандай, деган савол ўртага ташланса, биринчи навбатда, барчанинг ҳаёлига дарахт ўтказиш, табиатни, атроф-муҳитни асраш келади. Албатта, бу амаллар жуда муҳим. Шу боис, юртимизда “Яшил макон” умумиллй лойиҳасига асосан, оммавий дарахт экиш акциялари мунтазам ўтказилмоқда.

Соф экологик муҳитни асрашда муҳим тадбирлардан яна бири давлат ва жамиятнинг “яшил иқтисодиёт”га ўтишидир. Айни пайтда бу икки амалиётни бир-биридан айри тасаввур этиб бўлмайди.

Президентимиз томонидан 2025 йил Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йили деб эълон қилинди. “Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йилида амалга оширишга оид давлат дастурида эса табиатни асраш билан “яшил иқтисодиёт”га ўтиш бўйича турли ислохот ва лойиҳалар бир-бири билан уйғунликда олиб борилиши назарда тутилган. Ушбу дастурда белгиланган чора-тадбирлар Ўзбекистон экологисини қайта тиклаш ва “яшил иқтисодиёт” тизимига ўтишда яна бир дадил қадам бўлади.

Дарахт экиш, ҳудудларни кўкаламзорлаштириш, соф экологик муҳит шакллантириш хаста табиат иммунитетини кўтаридиган озуқа бўлса, экологик муаммоларнинг келиб чиқишига сабаб бўладиган захарли газ, ишлаб чиқариш, саноатда ултерод сарфини кескин камайтириш орқали “яшил иқтисодиёт”га ўтиш айнан касалликнинг ўзини бартараф этадиган дармондоридир.



“Яшил иқтисодиёт” тизими фақатгина экологик муаммоларни ҳал этишгагина хизмат қиладиган эмас, ҳар жабҳада давлат ва жамиятга манфаат келтирадиган тизим. Жумладан, “яшил” энергетика соҳаси тобора кенгайиб, янги технологиялар ва инновациялар билан бирга кўплай иш ўринларини яратмоқда. Масалан, қуёш панеллари ишлаб чиқариш, шамол турбиналари ўрнатилган ва техник хизмат кўрсатиш каби соҳаларда янги иш ўринлари пайдо бўлмоқда. Айни пайтда кўпгина давлатлар нефть ва газга қарам бўлиб, уларни импорт қилишга мажбур. “Яшил” энергия манбалари ривожланиши эса уларнинг энергетик мустакиллигини таъминлайди ва ресурслар бўйича иқтисодий хавфсизлигини янада оширади. Табиатни асраш, глобал экологик муаммоларни бартараф этиш билан шуғулланадиган халқаро ташкилотлар аънаванй энергия

манбалари, хусусан, нефть, кўмир ва газ ёқилгиси атмосферага катта зарар келтиришни қайд этиб, “яшил иқтисодиёт” тизими бундай ифлосланишни камайтириш ҳақида турли ақциялар ўтказиб, ижтимоий ролик ва тарғибот материаллари чоп қилмоқда. Бу эса дунё аҳлининг аънаванй энергия манбалари асосида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни харид қилишдан тийилиб, табиатга зарар етказмайдиган “яшил” энергиядан фойдаланиш ҳолда тайёрланган маҳсулотларини сотиб олишга мойиллигини орттирмоқда. Талабга кўра, шу йўналишда турли халқаро сертификатлар жорий этиляпти. Келгусида бу сертификатларга эга бўлмаган маҳсулотлар сотуви кескин пасайиши мумкин. Ўз маҳсулотларини экспорт қилишни истайдиган давлат ва ишбилармон тадбиркорлар “яшил иқтисодиёт”га ўтиш шарт бўлади. Бу тизимнинг энг мақбул жиҳати энергия

ҳаражатларини минимал даражага туширишдир. Шу боис, “яшил иқтисодиёт” тизими давлат, тадбиркорлар ва оддий халқ учун бирдек манфаатли.

Шу ўринда бир савол туғилади: “яшил иқтисодиёт” барчага бирдек фойда келтирар экан, нега дунё аҳолиси аънаванй иқтисодиётдан ётпасига ва тез унга ўтиб кетмапти?

Бунинг қатор сабаблари бор. Шулардан бири, барча давлатларнинг иқлими, жойлашуви, табиий ресурслари сув, шамол, қуёшдан олиннадиган муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш имконини бермайди.

Шунингдек, қуёш панеллари, шамол турбиналари ва бошқа “яшил” технологияларни ўрнатилиш катта сармояни талаб қилади. Кейинчалик минимал харажатлар орқали бу сармоя ўрни қопланишига қарамай, кўпчилик бир мартада катта маблағ сарфлашни истамайди.

Мамлакатимизда муқобил энергиядан фойдаланишда аҳоли вакиллари ҳамда тадбиркорлар учун турли компенсация, имтиёзлар берилиши бошлангич сармояни минимал даражага туширади. Тулақонли равишда “яшил иқтисодиёт”га ўтиш учун биргина давлат томонидан ислохотлар қилишнинг ўзи етарли эмас. Ишбилармон тадбиркорларимиз ўз фаолиятига экологик тоза “яшил” технологияларни жорий этиши, халқимиз вакиллари эса турмуш тарзида қайта тиклануви, муқобил энергия воситаларидан кенг фойдаланиши бугунги кун зарурати.

Яъни барча ҳамжихатликда, бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилсагина, қўзланган мақсадга эришиш мумкин. Президентимиз таъбири билан айтганда, “яшил” тараққиёт Ўзбекистонда умумиллй ҳаракат даражасига кўтарилиши керак.

РИВОЖЛАНГАН МАМЛАКАТЛАР

Отабек МУСУРМОНОВ, Олий Мажлис Қўнучилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси аъзоси:

— Маълумотларга кўра, Хитой 2024 йилда қуёш ва шамол энергияси ишлаб чиқарувчи станцияларини барпо этишда дунё рекордини ўрнатди. Гап шундаки, у ерда дунёнинг жами мамлакатларида қурилган станциялардан икки баробар кўп қуёш ва шамол электрстанциялари барпо этилди. Натияжада Хитой ўтган йили жаҳон миқёсида энг кўп электр энергияси ишлаб чиқарган мамлакатга айланди.

Хитой сингари дунёнинг энг кучли мамлакатлари “яшил иқтисодиёт” тизимига зўр бериб ўтишга уринаётгани ҳам бу келажак соҳаси эканини билдиради. Шу боис, юртимизда жорий йил Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йили деб эълон қилинди. Қуни кеча тасдиқланган “Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йилида амалга оширишга оид давлат дастуридаги олдимизга қўйилган вазифаларни тўлақонли бажарсак, биз ҳам “яшил иқтисодиёт” тизимига ўтиш борасида катта қадам ташлаган бўламиз. Дастурга биноан, жорий йилда электр энергияси ишлаб чиқаришда “яшил” энергетика манбаларини 26 фоизга ва жами генерация қувватлари таркибидagi улушини 40 фоизга етказиш мақсад қилинган.

Бунга давлат-хусусий шериклиги асосида “яшил” энергия станцияларини, ҳудудларда кичик ва микро гидроэлектр станциялари



ТАНЛАГАН ЙЎЛ

тармоғини кенгайтириш, аҳоли хонадонларига қуёш панелларини ўрнатилиши рағбатлантириш ҳисобига эришилади.

Шунингдек, “Тежамкорлик ва барқарорлик” тамойили асосида давлат иштирокидаги йирик корхоналарни трансформация қилиш, яъни “яшил” энергияга мослаштириш орқали корхоналарда ишлаб чиқариш харажатларини 15-20 фоиз камайтириш кўзда тутилмоқда. Мамлакатимизда экологик тоза маҳсулот ишлаб чиқаришга иқтисосланган саноат зоналари ташкил этиш белгиланган. Бир сўз билан айтганда, дастурда ижтимоий, иқтисодий соҳа объектларида “яшил” энергетика манбаларидан фаол фойдаланиш кўзда тутилган. “Яшил иқтисодиёт” тизимига ўтиш йўлидаги ҳаракатлар фақат бу йил эмас, кейинги йилларда ҳам фаол давом эттирилади. Хусусан, 2027 йилдан 30 фоиз, 2030 йилдан 55 фоиз “яшил иқтисодиёт”га ўтилади. Айни шу мақсадда Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Жаҳон банки ва бошқа ташкилотлардан 300 миллион доллар ресурслар жалб қилинган.

“Яшил” энергия келажак энергетикасини ажралмас қисми бўлиб, у нафақат экологик барқарорликни таъминлайди, балки иқтисодий ўсишга ҳам ҳисса қўшади. Технологик тараққиёт, ҳукумат сисетаси ва экологик онгини ошиши унинг кенг тарқалишига хизмат қилади. Шу сабабли уни ривожлантириш келажак авлодлар учун тоза ва барқарор муҳит яратишда муҳим аҳамиятга эга.

БАРЧА УЧУН БИРДЕК ФЙДАЛИ

Анвар АБДУҚАЮМОВ, “Той бола” миллий бренди асосчиси:

— Халқаро кўргазма ва тадбирларда турли мамлакатлардан ташриф буюрган ишбилармонлар билан суҳбатлашиб қоламиз. Хусусан, Европа Иттифоқи давлатлари тадбиркорларининг аксарияти муқобил энергия манбаларидан фойдаланишини айтади. Шунингдек, мамлакат қўнучилигида муқобил энергияни жорий қилишда бож ва бошқа сертификация масалаларида алоҳида қулайлик ва имтиёзлар қўлланилиши ҳақида сўзлайди. Ҳатто ушбу давлатларнинг фуқаролари ҳам таннархи баланд бўлса-да, муқобил энергиядан фойдаланган ишлаб чиқарувчилар маҳсулотларини сотиб олишга ҳаракат қилишар экан. Дунё бозорини бундай маҳсулотлар талабгир бўлиб бормоқда. Узоқни қаўзлаган тадбиркор эса давр талабини аҳамиятсиз қолдирилмаслиги керак.

Кейинги йилларда дунёда иқтисодий инқироз кучайиб борапти. Бу эса ҳар бир тадбиркор фаолиятига йил сайин кўпроқ таъсирини ўтказяпти. Ўз фаолиятимдан мисол қиладиган бўлсам, 2023 йилда 5 миллион долларга яқин экспорт қилган эдик, ўтган йили бу рақам бир оз камайди, аммо ички бозордаги савдонинг ўстиришга эриша олдик. 2024 йил ноябрь ойидан бошлаб Руминияга маҳсулот сотишни йўлга қўйдик. Бу йил ички бозордаги ўсишни сақлаб қолган ҳолда Руминияга экспортимиз ҳажминини бир миллион долларга кўтаришни режа қилмоқдамиз.

Бугун муқобил энергиядан фойдаланиш орқали маҳсулот таннархини тушириш давр талаби бўлиб қолди. Муқобил энергиядан

фойдаланиш давлат томонидан рағбатлантирилатгани эса айни мuddо. Ҳозир тадбиркорлар учун энг катта қулайликлардан бири ўрнатган қуёш панелларида ишлаб чиқарган эҳтиёжидан ортқича электр энергиясини давлатнинг ўзи сотиб олишидир. Бунда ҳар киловатт учун тадбиркорларга 720 сўмдан тўланади.

Тадбиркорлар ўрнатилган қурилмалар бўйича мол-мулк солиғи, улар билан банд



ер бўйича ер солиғи ва электрни сотишдан олинган фойда солиғидан озод қилинган. Шунингдек, муқобил энергия воситаларини сотиб олишда ҳам турли имтиёз ва қулайликлар яратилмоқда.

Европа тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки билан бу йўналишда ҳамкорлик қилиниб, имтиёзлар янада орттирилса, кўпчилик тадбиркорлар “яшил” энергетикани ўз фаолиятига татбиқ қилишдан янада мамнун бўлади.



ЖАҲОН БОЗОРИНИНГ ОЛТИН КАЛИТИ

Темур Малик НАРЗИҚУЛОВ, “Яшил иқтисодиёт лойиҳалари маркази” лойиҳа офиси директори:

— Ривожланган мамлакатлар саноат, ишлаб чиқариш соҳасида “яшил иқтисодиёт” тизимини жорий этиш бўйича амалий ҳаракатлар анча илгари бошланган. Хусусан, атмосферага чиқарилаётган зарарли газлар миқдорини камайтиришга қаратилган Париж битими ишлаб чиқилганга 2025 йилда ўн йил бўлади. 2016 йилдан эътиборан кучга кирган ушбу ҳужжат дунёнинг 195 мамлакатга томонидан мақбуллашиб, 175 давлат унинг тадбирлари доирасида иш олиб бормоқда.

Ўзбекистон Париж битими доирасида атмосферага чиқараётган иссикхона гази миқдорини 2030 йилга қадар 35 фоизгача (2010 йилга нисбатан) камайтириш мажбуриятини зиммасига олиб, унга кўра, “яшил иқтисодиёт”га ўтиш мақсадида қайта тикланувчи энергиядан фойдаланиш кўрсаткичларини кескин ошириш устида ишламоқда.

Айниқса, Париж битими негизида Европа Иттифоқи давлатлари турли лойиҳаларни амалга оширишти. Шулардан бири “Fit for 55” пакети. Унинг “Carbon Border Adjustment Mechanism” (“CBAM”) ултерод чегарасини сошлаш механизми) қисмида халқаро тижорат, маҳсулотларни импорт-экспорт қилиш, инвестициялар киритиш масалалари қайд этилган. Бунга кўра, Европа Иттифоқи импорт қилувчилар маҳсулот ишлаб чиқарилишида ҳосил бўлган ултерод ҳисоботларини бериши ва бу чиқиндилар учун алоҳида тўлов талаб этилишини босқичма-босқич жорий этиши белгиланган. Бу “яшил” энергия манбаларидан фойдаланмайдиган экспортчи тадбиркорлар, маҳсулот ишлаб чиқариш учун катта маблағ сарф этиш билан бирга уни сотиш учун ҳам алоҳида мажбурият олиши ва турли солиқлар тўлашига тўғри келади, дегани.

Шунингдек, ривожланган мамлакатлар кейинги йилларда “I-REC” (Халқаро қайта тикланувчи энергия манбаларини сертифици-



катлаш ташкилоти) сертификати бор маҳсулотларни сотиб олишга кўпроқ ургу бермоқда. Ушбу сертификат дунёнинг кўпгина давлатларида тан олиннадиган ҳужжатдир.

Шу боис, ЖСТга аъзо бўлиш, дунё бозорига ўз маҳсулот ва брендлари билан алоҳида ўрин эгаллаш, экспорт салоҳиятини янада оширишни мақсад қилган Ўзбекистон учун “яшил иқтисодиёт”га ўтиш муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, экспортчи ўзбек ишбилармонлари “I-REC” сертификатини қўлга киритиши жуда муҳим.

Президентимизнинг 2023 йил 12 майдаги “Яшил энергия” сертификатлари тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига кўра, I-REC билан ҳамкорликда ўзбек тадбиркорлари учун маъзур сертификатни бериш тизими йўлга қўйилди. Утган 2024 йил давомида маҳаллий тадбиркорларимиз томонидан 64 минг дона “яшил энергия” сертификати савдоси амалга оширилди. Бу сертификатни тан олган мамлакатлар воний йил сайин ортиб бораётгани, законларни истеъмолчилар маҳсулотларининг ишлаб чиқарилишида экологияга зарар етказилмаганига алоҳида эътибор қаратаётгани маъзур ҳужжатни жаҳон бозорининг олтин калитига айлантирди, десак муболага бўлмайди.



1 МИЛЛИОН СЎМ ТЎЛАШ ЎРНИГА 2 МИЛЛИОН 100 МИНГ СЎМ ФЙДА ҚИЛЯПМАН

Искандар МАТАЗИМОВ, қуёш панели ўрнатган хонадон эгаси:

— Уйимга қуёш панели ўрнатишга қарор қилдим. Айримлар бу қароримни қўллаб-қувватлади. Баъзилар эса жуда қиммат эканини, фойда эмас, зарар қилишини айтиди. Ўзим ҳам иккиланиб қолдим. Сўнг интернет ва таъниб-билишлардан қуёш панели ўрнатмоқчи бўлган аҳолига давлат томонидан берилётган имтиёз ва имкониятларни ўргангач, сотиб олишга қатъий қарор қилдим.

Қуёш панелини 3 йил муддатга фойсиз бўлиб тўлашга сотиб олса бўлар экан. Агар бирданга тўлиқ тўлаб харид қилинса, қурилма иш ҳажмига қараб базавий ҳисоблаш миқдорининг 7 бараваридан 50 бараваригача пул маблағи қайтариб бериладган.

Мен юз фоиз тўлаб субсидия олишни маъкул кўрдим ва уйимга 30 киловаттлик қуёш панели ўрнатдим. Беминнат электр энергиясидан фойдаланяпман. Энг яхши томони, айни пайтда бир миллион сўм электр энергияси сарфи учун пул тўлаш ўрнига ўз эҳтиёжимдан ортқича электр энергиясини худудий электр тармоқларига киловаттнин минг сўмдан сотиб, 2 миллион 100 минг сўм давлатдан пул оляпман. Ҳали баҳор-ёз ойларида даромад бундан ҳам яхши бўлади.



Дунёга машҳур “Алкимёгар” асари қаҳрамони хазина излаб сەҳат қилади. Алал-оқибат эса хазина ўз ватанидан топилади. Қайта тикланувчи, муқобил энергия ҳам шунга ўхшайди. Оддий қуёш нури, шамол, сувдан ҳам яхши даромад қилиш мумкин. “Яшил” энергия воситаларидан фойдаланиб, даромад орттириш хазина топишдек гап аслида. Мутахассислар ҳамда аҳоли вакилларининг сўзларидан “яшил иқтисодиёт” тизими қайси соҳага татбиқ этилмасин, ўша соҳа тараққиётига ҳисса қўшишига амин бўласиз. “Яшил иқтисодиёт” машиналарини ҳаракатга келтирувчи светофорнинг яшил чироғига ўхшайди. Ушбу тизимни жорий этиш билан иқтисодиёт тараққиёт пиллапоярларидан илғор одимлай бошлайди.

Санжар ЭШМУРОДОВ “Янги Ўзбекистон” муҳбири



Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 4-5 февраль кунлари Малайзияга расмий ташрифи доирасида икки давлат ўртасида қатор йўналишлар бўйича муҳим келишувларга эришилди, тегишли ҳужжатлар имзоланди. Хусусан, давлатларимиз ўртасида суд-экспертлик фаолияти соҳасида ҳамкорлик тўғрисида битим имзолангани ўзаро тажриба алмашин, мамлакатимиз суд-экспертлик фаолиятини замон талаблари асосида йўлга қўйиш, соҳа ривожини янги bosқичга олиб чиқишга хизмат қилади.

Инсон қадри учун

Бугун мазкур соҳа замонга ҳамнафас ривожланмоқда. Уни янада такомиллаштириш, сўнгги технологиялар билан таъминлаш, тўпланган материаллар ва таҳлилларни солиштириш одил судловни амалга оширишга ижобий таъсир кўрсатади. Зеро, бу соҳа ҳақиқатни рўёбга чиқариш учун ҳар қандай масалада далилларни чуқур текширадиган, инкор қилиб бўлмайдиган фактлар очилишига ёрдам берадиган тизимдир.



СУД ФОНОГРАФИЯ ЭКСПЕРТИЗАСИ

УНИНГ КЎМАГИДА ФУҚАРОЛАРНИНГ АЙБСИЗ АЙБДОР БЎЛИБ ҚОЛМАСЛИГИ ТАЪМИНЛАНМОҚДА

Шу воқеа асосида соҳада кейинги йилларда туб ислохотлар амалга оширилиб, юқори малакали кадрлар ва замонавий жиҳозлар билан таъминланганига амин бўлдм.

Давр ўзгармоқда, технологиялар, ахборот олиш ва тарқатиш кўпаймоқда. Шу билан бирга, жиноят ва ҳуқуқбузарликлар турлари ҳам. Бу эса ўз ўрнида суд-экспертиса олдида янги вазифаларни қўймоқда. Замонавий технологиялар ривожлангани сари тегишли ташкилотлар томонидан турли фарибгарлик, таъмиргарлик ҳолатларининг олдини олиш учун зарур чора-тадбирлар кўриломоқда.

Конституциямизда агар шахсининг ўз айбини тан олганлиги унга қарши ягона далил бўлса, у айбдор деб топилганини ёки жазага тортилиши мумкин эмаслиги қафолатлаб қўйилди. Бу эса жиноятчиликнинг олдини олиш ва уни фош этишда суд-экспертиса ташкилотларининг масъулияти ва ролини янада оширади.

Соҳада салоҳиятли кадрларни тайёрлаш муҳим аҳамият касб этади, шу билан бирга, ўрганиш, малака ошириш ва инновацион ёндашувларни ўз фаолиятига жорий этиш бугун барча соҳалар учун зарур. Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан суд-экспертлари фаолияти рейтинг тизимида баҳолаб борилиши ҳам бу борадаги ишларни янада жонлантиришга хизмат қилмоқда.

Суд-экспертларнинг малакаси ва ҳуқуқий билимини замон талаблари даражасида ошириш мақсадида ўқув маркази фаолияти йўлга қўйилгани ҳам соҳада кадрлар фаолият самардорлигини яхшилашда муҳим омил бўлмоқда.

Аҳамиятлиси, бу ерда нафақат давлат суд-экспертиса муассасалари суд-экспертларининг ҳуқуқий билимини ошириш, балки янги ташкил этилаётган нодавлат суд-экспертиса ташкилотлари ўтказишга ихтисослашган муассасаси ҳисобланади. Зарур ҳолларда тегишли мутахассислар жалб этилган ҳолда бошқа тиллардаги фонограммаларни ҳам тадқиқот қилиш имкони мавжуд.

Хозирги кунда суд-фонография экспертизаси лабораториясида видеоёзувлар, рақамли телефон, рақамли диктофон, рақамли диск, компакт диск, флеш карта, хотираси, видеоқўзғув камераси ва бошқаларга яширин равишда ёзиб олинган аудио-видео ёзувларни тадқиқот қилиш имконияти бор. Ушбу



Халилов. — Унинг асосий вазифаларидан бири тақдим қилинаётган сўхбатда монтаж белгилари мавжуд ёки мавжуд эмаслигини аниқлаш, сўхбатда иштирок этган шахсларнинг сони, жинси, сўхбат қаерда олиб борилгани ҳамда иштирок этаётган муайян шахсининг овоз ва нутқи кимга тегишли эканини аниқлаш ва бошқалардан иборат.

Суд ва тергов идораларининг кўплаб мурожаатларини ҳисобга олиб, Марказий Осиёда биринчи бўлиб 1992 йилда экспертизанинг ушбу турини ўтказиш мазкур марказда ташкил этилган. Айни вақтда марказ суд-фонография экспертизасини ўзбек ва рус тилларидаги фонограммалар бўйича экспертиза тадқиқотлари ўтказишга ихтисослашган муассасаси ҳисобланади. Зарур ҳолларда тегишли мутахассислар жалб этилган ҳолда бошқа тиллардаги фонограммаларни ҳам тадқиқот қилиш имкони мавжуд.

Хозирги кунда суд-фонография экспертизаси лабораториясида видеоёзувлар, рақамли телефон, рақамли диктофон, рақамли диск, компакт диск, флеш карта, хотираси, видеоқўзғув камераси ва бошқаларга яширин равишда ёзиб олинган аудио-видео ёзувларни тадқиқот қилиш имконияти бор. Ушбу

тадқиқотларни ўтказиш учун бўлимда турли замонавий асбоб-ускуна ва дастурий таъминотлар мавжуд.

Лабораторияга ишга олинган ёш мутахассислар фақатгина аудитив, визуал, лингвистик, инструментал (асбоб-ускунали) тадқиқотларни ўтказибгина қолмай, фонограммаларда мавжуд электроакустик монтаж белгиларини аниқлаш бўйича тадқиқотларни ҳам амалга оширади.

Бугунги кунга қадар лаборатория ходимлари суд-фонография экспертизаси учун долзарб мавзулар бўйича илмий излашлар қилиб, экспертлар учун услубий қўлланмалар ҳам тайёрляпти.

Суд-фонография экспертизаси аудио ва видео фонограмма, экспертизаси тақдим қилинган стенограмманинг тадқиқот қилинувчи фонограмма мазмунига мос келиши ёки мос келмаслиги, ёзув сифати паст бўлган алоҳида ҳолатларда сўхбат стенограммасини тузиш, сўхбатда нечта шахс иштирок этгани, уларнинг шахси, сўхбат қаерда ёзиб олинганини аниқлайди, товуш ёзиш мосламалари, айрим ҳолатларда магнит тасма ёзувларини таҳлил этади.

Шу билан бирга, тергов ва суд томонидан тайинланган экспертизалар бўйича иденти-

фикацион, диагностика масалаларни ҳал қилиб келмоқда. Жумладан, суд-фонография экспертизаси сўхбат ёзиб олинган фонограммада электроакустик монтаж белгилари мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигини, тақдим қилинган фонограмма асли ёки нусхалигини, фонограммадаги овоз ва нутқнинг кимга тегишли эканини, тадқиқот қилиниши лозим бўлган фонограмма айнан қайси моламлада ёзиб олинганини аниқлайди.

— Фаолиятимиз давомида бизга асосан фарибгарлик, порахўрлик каби ҳолатлар бўйича ишлар келиб тушади, — дейди А.Халилов. — Масалан, бир номаълум шахс телерадио каноаллари орқали фуқароларни Европа давлатларига ишга жўнатишни ваъда беради. Табиийки, унга бошқа фуқаролар боғланади. Ўзаро сўхбат жараёнида бир-бирларига аудидиоаббарлар юборлади. Номаълум шахс эса улардан чет эл рақамига муайян миқдорда пул ўтказишни сўрайди. Фуқаролар айни тизимдан сўммани ўтказиб беради. Лекин тақдим этилган паспорт маълумотлари бошқа шахсга тегишли экани маълум бўлади. Орандан муайян вақт ўтгандан кейин фуқаролар алданган қолганини тушуниб этади. Бу орада алданган фуқаролар ҳуқуқини муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилади ва ўша шахснинг паспорт маълумотларини тақдим этади.

Тақдим қилинган паспорт маълумотларига асосан, ўша шахс гумонланувчи сифатида терговга жалб қилинади. Суд-фонография экспертизаси тадқиқотларидан сўнг телерадио тармоқлари орқали юборилган овозли хабардаги овоз ва нутқ бошқа шахсга тегишлилиги аниқланади. Бу ҳолатда бир фуқаронинг айбидор бўлиб қилиши ҳолатининг олди олиниди.

Суд-экспертлик фаолияти қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини қафолатли ҳимоя қилишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Таъкидлаш жоизки, кейинги беш йилда соҳани янада ривожлантириш мақсадида Президентимизнинг урта қарори, битта фармони қабул қилинди. Бу эса соҳадаги норматив ҳужжатларни такомиллаштириш, суд-экспертиса кадрларининг касбий малакасини ошириш, соҳани замонавий, ягона аниқлаштириш таҳлил воситалари билан жиҳозлаш, суд-экспертиса жараёнига адвокатлар ва нодавлат суд-экспертлари

иштирокни таъминлаш борасида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Сўнгги йилларда суд-экспертиса фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларида кенг фойдаланиш, соҳани рақамлаштириш, замонавий лабораториялар ташкил этиш борасида салмоқли ишлар қилинди. Ана шу мақсадда “Суд-экспертиса-лари ҳисоби”, “Электрон таълим платформаси” тизимлари жорий этилди. Аҳолига ва ваколатли органларга суд-экспертлик фаолиятига доир маълумотлар етказиш, ахборот ҳамкорлигининг барча турларини таъминлаш учун мўлжалланган “E-eksperitza” ягона электрон ахборот тизими жорий этилди.

Бу, ўз навбатида, суд-экспертиса соҳасига ахборот технологияларини кенг жорий қилиш орқали суд-экспертиса бўлимига сарфланган вақт қисқариши, экспертиза тайинловчи органлар билан экспертлар ўртасидаги ўзаро ёзишмалар электронлаштиришига, суд-экспертиса ташкилотлари ўртасида

ягона услубий шаклланиши ва бир хил иш юритилишига замин яратди. Бундан ташқари, статистик ҳисобот ва маълумотлар тезкор шакллантирилмоқда.

Мазкур электрон тизим ишга тушуши билан судлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва суд-экспертиса ташкилотларининг ўзаро ҳужжат айланишида ҳамда унинг хавфсизлигини таъминлашда ижобий натижаларга эришилди. Шунингдек, суд-экспертларнинг иш жараёни енгиллаштириш, ортқиқ вақт ва қўғоз сифрфорглигининг олди олинди. Экспертиза натижалари ҳақида тезкор хабар бериш, пул тўловлари учун электрон шартномалар олиш ва бошқа бир қанча қўлайликлар яратилди.

Қаерда яхши шариот яратилса, ўша ерда иш сифати ва натижадорлик ортади. Судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг малакаси экспертиза тадқиқотларига бўлган эҳтиёжи ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг маънавий инноватта олган ҳолда суд-компьютер-техник, суд-автомобиль йўллари, суд-электротехника, суд-психология, газ ва электр техника объектиларнинг портлаш техник экспертизаси, радиотехника экспертизаси каби янги экспертиза турлари жорий этилди. Натижада марказда амалга оширилаётган суд-экспертлик турлари 44 тадан 60 тага, мутахассислик йўналишлари 101 тага етди.

Марказ лабораториялари тегишли халқаро стандартлар бўйича аккредитациядан ўтказилиб, мувофиқлик сертификатиغا эга бўлди. Бу тадқиқотларни халқаро стандартлар даражасида ўтказиш ҳамда лаборатория томонидан берилган ҳулосаларнинг халқаро миқёсда тан олинishi, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро судларда ҳам ишончли ҳимоя қилинишига олиб келади.

Шунингдек, соҳада илк мартаба “Суд-экспертиса” стандартлаштириш бўйича техник кўмитаси ташкил этилиб, марказ “Суд-экспертиса” стандартлаштириш бўйича давлатлараро кенгаши ҳамда “Forensic science” халқаро техник кўмитасига аъзолик қабул қилинди. Бу жиҳат соҳага халқаро стандартларни жорий қилиш имкониятини янада оширади.

Бир сўз билан айтганда, бугун мазкур соҳа замонга ҳамнафас ривожланиб келимоқда. Уни янада такомиллаштириш, сўнгги технологиялар билан таъминлаш, тўпланган материаллар ва таҳлилларни солиштириш одил судловни амалга оширишга ижобий таъсир кўрсатади. Зеро, бу соҳа ҳақиқатни рўёбга чиқариш учун ҳар қандай масалада далилларни чуқур текширадиган, инкор қилиб бўлмайдиган фактлар очилишига ёрдам берадиган тизимдир.



Долзарб мавзу

Сувни тежаш бугунги куннинг энг долзарб масаласига айланган. Сўнгги пайтлардан сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва йўқотишларни камайтириш бўйича чоралар кўлами тобора кенгайиб бораётгани ана шу долзарблик ортидаги саъй-ҳаракатлардир. Бунинг билан биз Қорақалпоғистондаги ишлар мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Оқмангит каналининг Нукус туманидаги 9,5 километр қисмини бетонлаш учун 9,5 миллиард сўм ажратилган бўлиб, ушбу жараёнга тайёргарлик кўриломоқда.



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ УҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

КАНАЛЛАРНИ БЕТОНЛАШТИРСАК

сўвни тежаймиз, ҳосилга барака киради, фойдамиз кўпаяди

Оқмангит хўжалиқларига канали ўтган асрининг 60-йилларида ишга туширилган. Бу канал жиддий эътибор талаб.

Канал Каттағар магистрал каналидан сув олиб, Нукус туманидаги “Оқмангит”, “Каттағар” ҳамда “Дарсан” овул фуқаролар йиғинлари ҳудудларидаги томорқалар ҳамда 29 та фермер хўжалигининг жами 2850 гектар экин майдониغا сув етказиб беради. Канални бетонлаш натижасида эса йиллик ҳисобда 5 миллион 443 куб метр сув тежаланиши режалаштирилган. Бу кичкина рақам эмас.

Тахтақўпир туманидаги Эски Қуваниш жарма каналининг 6,3 километр оралигининг реконструкция қилиш ишлари ҳам белгиланган бўлиб, унга 9 миллиард сўм ажратилган.

Канални бетонлаш натижасида тумандаги Дайўр, Айдин жол ва Тахтақўпир маҳаллари томорқаларини сугориш самардорлиги ошиши натижасида йилга 5 миллион 443 куб метр сув тежаланиши кўзда тутилган.

Нукус шаҳрининг қоқ марказидан ўтувчи Дўстлик каналини реконструкция қилиш, яъни белгиланган 4 километр қисмида бетонлаш ниҳоясига етказилди. Ушбу ишлар “Кегейлимахсуссувудраг” корхонаси томонидан бажарилди. У Қорақалпоғистон шимолидаги энг йирик каналлардан бўлиб, узунлиги 25,2 километрини ташкил этади. Канал орқали Нукус шаҳри, Тахтақўпир, Қораўзак, Кегейли, Чимбой ва қисман Нукус туманлари экин майдонларига сув етказилади.

Дўстлик каналда бетонлаш ишлари якунланган, кейинги кунларда мазкур

каналга секундига 100 куб метргача сув берилиб, ҳудуднинг шимолий туманларида шўр ювиш тадбирлари уношоқлик билан давом эттирилмоқда.

Каналларни бетонлаш орқали сув истеъмолчиларига йўқотишсиз етиб келади, вақт тежаланади. Бундан, аввало, халқимиз, фермер ва кластерларимиз манфаатдор.

Жорий йилга белгиланган режага мувофиқ, Қорақалпоғистонда каналларни реконструкция қилиш, бетонлаш ишлари жадал давом этмоқда.

Айни кунларда Тахтақош туманидаги Эски Кенагас каналини реконструкция қилиш ишлари қизғин олиб бориломоқда. Бу ишлар “VORIS CHINA” кўшама корхонаси қурувчилари томонидан амалга оширилмоқда. Бугунги кунгача объектининг 1,44 километр

қисмида тупроқ тўшлари ва 500 метр қисмида бетонлаштириш ишлари бажарилди.

— Ушбу канални бетонлаштириш лойиҳасини ишлаб чиқишда қатор муҳим масалалар эътиборга олинди, — дейди Тахтақош тумани “Сув етказиб бериш хизмати” давлат муассасаси директори Одил Назаров. — Лойиҳада тупроқ ҳажми нисбатан кўпайди, лекин келгусида каналдаги кам сув билан ҳам кўп фермерлар даласи ўзи оқар тизимда сугориладиган бўлади.

Шунингдек, Тахтақош тумани “Сув етказиб бериш хизмати” давлат муассасаси жамоаси “Найманқўл” овул фуқаролар йиғинидаги Алибек салма ариғига қуруқ бетон тўшамаларини етказмоқда. Бу ҳам ички сугориш тармоқларида сув йўқотишларини камайтиришга қаратилган

тадбирларга янгича ёндашувларнинг бири бўлмоқда.

Кегейли туманидаги Қуваниш жарма ирригация тизими бошқармаси тасарруфидога магистрал ва хўжалиқларига сугориш тармоқларини тозалаш, дамбаларини таъмирлаш, гидротехник ишоотлар, сув ўлчак постларини жиҳозлаш бўйича ҳам аниқ чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Дўстлик каналы дамбасининг 1,7 километр қисми ҳам таъмирланмоқда.

Нукус туманида жойлашган Қорақалпоғистон насос станциялари ва энергетика бошқармасига қарашли насос станциясида Эски агрегатлар ўрнига замонавий энергия-тежамкор агрегатлар ўрнатилмоқда.

— Ушбу насос станциясидаги 110 киловатт-соат қувватда ишлайдиган насос

агрегати ўрнига замонавий, яъни соатига 22,5 киловатт энергия сарфлайдиган 3 донна қурилма агрегат ўрнатилди, — дейди Қорақалпоғистон насос станциялари ва энергетика бошқармаси бошлиғи Кенес Сарибоев. — Натижада соатига ўртача 87,5 киловатт электр энергияси иқтисод қилинади. Насос агрегатлари ўртача йилга 2100 соат ишлайдиган бўлса, жами 183 минг 750 киловатт электр энергияси, яъни 183 миллион 750 минг сўм тежаланишига эришилади.

Қорақалпоғистондаги сув таъминоти оғир бўлган Тахтақўпир, Қораўзак ва Чимбой туманларида ҳам грант маблағлари асосида соатига 110 киловатт электр энергияси сарфлайдиган насос агрегати ўрнига кам қувватда ишлайдиган 6 донна қурилма ўрнатиш режалаштирилмоқда. Натижада эса йилга ўртача 459 минг 900 киловатт электр энергияси тежаланади.

— Бугун фермерларга, биринчи галда, эски насос агрегатларини янгиллаш орқали кам электр энергияси билан олдинги миқдорда сувни чиқаришни тақлил этишимиз. Кўш панеллари ўрнатиш орқали каттагина маблағ тежаланишига ҳам эришилади. Биз сугориш мавсумидаги кўшли кунлар, агрегатга сарфланган электр энергияси ҳисоб-китобини қилиб, мақбул бўлган ускулларни ўрнатди. Электр тармоқларининг туман бўлимлари билан шартнома қилиниб, ишлаб чиқарилган электр энергияси умумий тармоққа эзатилади. Насос агрегати сарфланган энергия билан ҳисоб-китоби олиб борилади, — дейди Кенес Сарибоев.

Сув ҳаёт-мамат масаласи экан, биз уни тўғри сарфлашни ўрганишимиз керак. Шу боис, сув ресурсларининг фойдаланишида самардорлиқни ошириб, сарфни камайтиришимиз зарур. Бугунги кунда кўпчилик сувнинг ҳисоб-китобини қилиш, уни ўз меъёрида ишлатиш кераклигини тушуниб етмоқда. Сувни тежамасак, эртага уни топа олмаймиз.

Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ЁМФИР СУВИДАН МЎМАЙ ДАРОМАД ТОПАЁТГАН МАКТАБ ЙИГИЛГАН МАБЛАҒ ҚАНДАЙ САРФЛАНАДИ?

Бошланиши 1-бетда

— Барчасини кимдир қилиб берад, дея қараб ўтирадиган вақт эмас, — дейди мактаб директори Шерзод Менглиев. — Бугун интилган киши ҳар бир соҳада олдинламоқда. Энг муҳими, боқимандалик кайфиятидан ҳалос бўлиб, интилсангиз кам бўлмайсиз. Анчадан бери таълим муассасамиз ҳовлисидан қўшимча даромад олиш манбаини қидириб юрдим. Кўчатчиликни йўлга қўйишни режа қилдик. Бунинг учун, биринчи навбатда, мевали дароҳт ниҳоллари етиштирадиган боғ қилдик. Ҳозир экилган уруғ ниш уришни бошлади. Бундан ташқари, “Яшил макон” доирасида бир қанча манзарали ва мевали дароҳт кўчатлари ҳам экиб чиқдик. Энди уларнинг орасига каврак уруғини сепагимиз. Туманимизда каврак етиштириш

билан бирга, жорий йилда экилган дароҳтлар парваришига ҳам имкон яратилди. — Анча йилдан бери боғдорчилик билан шуғулланиб келаман, — дейди мактаб ишчиси Жума ота Баратов. — Бошқа ҳудудларни билмадимиз биз тарафларда битта ниҳолни амал олдирди анча мушкул. Боиси, намгарчилик жуда кам. Тупроғимиз қумли. Шунинг учун оғир меҳнат талаб қилади. Албатта, атроф яшилликка бурканса, барчамиз учун яхши.



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

тажрибасига эга малакали кишилар кўп. Яна бир томони, иқлимимизга мос. Соҳанинг аксар етакчилари кўрсатмаларига асосан, айнан каврак кўчатини етиштиришни мақсад қилдик. Кўпгина ҳудудларимизда каврак плантациялари барпо этилмоқда. Шу боис, унинг кўчатига талаб юқори. Ҳозир чамалашимиз бўйича ерга сочилган уруғдан 200 минг донани нўхот кўқариб чиқади. Икки йилда тайёр бўладиган ниҳолнинг донасини ўртача 2 минг сўмдан сотишимиз мумкин. Айни пайтда мактаб ҳовлисидан олти-миш сотихдан зиёд ерига каврак экилди. Бошда кўпчилик ишонмаганди. Бугун эса директорнинг ташаббуси мактаб жамоаси томонидан ҳам қўллаб-қувватланмоқда. Мазкур лойиҳа эртанги кунда қўшимча даромад олиб келиши ҳеч қимда шубҳа қолдирмапти. Шу

Бунга биз ҳам ўз ҳиссамизни қўлдан келганча қўйишга ҳаракат қилияпмиз. Ўтган йили экан дароҳтларимизнинг беҳато кўклаб кетишига эришдик. Ҳозир таълим масканимиз атрофини кўрган кишининг кўзи қувнайди. Бугунги саъй-ҳаракатлар қисқа фурсатда самара кўрсата бошлайди. Мактаб директори режасига кўра, яқин икки-уч йилда даромад уч юз-тўрт юз миллион сўмдан ошиб қолади. Қўшимча ишлаб топилган маблағлар эса, энг аввало, иқтидорли ўқувчиларни рағбатлантиришга йўналтирилади. Шу билан бирга, кам таъминланган оилалар фарзандларини ўқув қуроллари билан таъминлаш, айрим эҳтиёжманд

битирувчи ёшларнинг олий таълимдаги ўқишлари учун контракт пулларини тўлаб беришга сарфланади.

— Ўқувчиларимиз орасида билимга чанқок, зукколари жуда кўп, — дейди Ш.Менглиев. — Вилоят ҳамда республика танловларида, фан олимпиадаларида доимо иштирок этиб, фахрли ўринларни қўлга киритиб келишади. Ишлаб топилган даромаднинг бир қисмини ўқувчиларнинг бошқа шаҳарларда бўладиган танловларда иштироки учун йўл харажатларига ҳам ишлатиш белгиланган. Шунингдек, фаол ўқитувчиларни доим ўқулаб бориш, мактаб стипендиясини ташкил этиш режамизда бор. Келгусида имкон ярата олсак, бошланғич синф ўқувчиларимиз учун мактабда бепул тушликни жорий этиш мақсадимиз бор. Лойиҳамизни бошқичма-бошқич амалга ошириб борсак, ўзимиз учун имкониятлар эшиги очилиб бораверади.

Эътибор қаратган бўлсангиз, ушбу таълим маскани раҳбари ташаббусидан ўрнатилган оларлик жиҳатлар анчагина. Бизни қизиқтиргани эса бу ерда сув тежамкорлигини қўлай усулда йўлга қўйиб олганида бўлди. Юқорида таъкидлаганимиздек, ҳудудда оқар сув муаммо. Аммо доривор ўсимликни, қолаверса, дароҳтларни сугориш учун обихаётнинг ўрни катта. Бунинг соддагина усули эса жамоа ишини осонлаштиргани аниқ. Яъни мактабнинг орқа томонида 100 тоннали ҳовуз мавжуд. Уни махсус машиналарда сув ташиб тўлдириш катта харажатга тушиши аниқ. Беминнат ёмғир суви эса бу учун энг мақбул йўл. Ҳозир мактаб тарновларидан тушаётган ёмғир-қор сувлари тўғридан тўғри ҳовузга йўналтирилган. Сув омборчаси тўлдирилгач, вақти келиб, ёмғирлатиб сугориш ускуналари орқали экин-зор тўлиқ сугорила бошланади.

Сирасини айтганда, 97-мактаб жамоаси ташаббуси бошқа умумтаълим муассасаларида ҳам жорий этилаётган бўлса, биринчи навбатда, бугун каттагина маблағ сарфланиб сотиб олинди, экилаётган ниҳоллар эртага ҳеч бир муаммосиз бўй кўрсатиши аниқ. Бундан ташқари, қўшимча даромад топиш ҳам мумкин.

Акбар РАҲМОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Сурхондарёда баҳор нафаси қишнинг сўнги ойдаёқ сезилади. Шу боис, мамлакатимизнинг жанубидаги воҳасида ерни экин экишга тайёрлаш, кўчат экиш, дароҳтларга ишлов бериш, атрофни кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш юмушлари бошқа ҳудудлардагига нисбатан барвақт бошланади.

Обод манзиллар



Биргина “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида 2024 йилнинг баҳорги кўчат экиш мавсумида 10 миллион 707 минг туп, кузги мавсумда эса 6 миллион 591 минг туп дароҳт ва бутта кўчати экилган. Улар махсус электрон платформага киритилиб, сугориш ҳамда парваришlash учун ҳар бир ҳудудга масъуллар бириктирилди. Жорий баҳорги мавсумда ҳам яна 10 миллион тупдан зиёд мевали ва манзарали дароҳт кўчати экиш режалаштирилган. Бу билан вилоятдаги яшил ҳудудлар кўлами икки қарра ошishi прогнози қилинмоқда.

— Туманимизда кўчат захирасини ҳозирлаш мақсадида барча ташкилот, корхона, ижтимоий соҳа объектлари вакиллари яқдид фаолият юритмоқда. Чунки ободлик кўпчилигини иши, — дейди Бандихон тумани экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши бўлими бошлиғи Умид Нарманов. — Жойларда гилос, олхўри, узум кўчатлари экилмоқда. “Яшил боғ” ва “Менинг боғим” лойиҳалари доирасидаги ишларнинг ҳам кўлами кенг. Масалан, тумандаги Бандихон маҳалласида 1 гектар жой танаб олинди, “Яшил макон парклар” барпо этиляпти.

Бандихон туманида ўтган йилги мавсумда 900 минг тупга яқин кўчат экилган ва 2024 йилнинг ўзида 35 гектар мевали боғ яратилган. Бундан ташқари, ижтимоий соҳа объектлари, марказий ҳамда маҳаллалар ҳудудидagi кўчалар бўйлаб 15 гектар майдонда “яшил белбоғ” ташкил этилган. Бу йил ҳам бундай турган ерга мевали ва манзарали дароҳт кўчатлари экиш ва бу орқали келгусида тумани яшилликка бурқаш нияти барчанинг қалбига бирдек синган. Аҳамиятисиз, лойиҳа доирасида барпо этилаётган боғдаги қатор ораларига пиёз, саримсоқпиёз каби тўқсон-бостни экинлар, шунингдек, картошка экилиб, ҳудуддаги эҳтиёжманд, ишсиз фуқароларга бўлиб беришмоқда. Бу орқали уларнинг ҳам бандлиги таъминланади.

— Тумандаги 6 гектар майдонда кўчат захираси майдони ва “Яшил боғ” барпо этиляпти. У ерда жорий мавсумнинг ўзида ҳозирча 50 минг кўчат қаламчаси қадаб бўлинди. Бу ишлар тизимли ва кенг кўлаб билан давом эттириляпти. Бир вақтлар кумли ва чўл бўлган Бандихон яқин йилларда яшилликка бурканган манзилга айланади, — дейди Бандихон тумани ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Ганшиер Норбеков.

умуммиллий лойиҳаси доирасидаги ишлар натижадорлиги ва келгусидаги устувор вазифалар муҳофазаси юзасидан 2024 йил 21 октябрда ўтказилган видеоселектор йиғилишида давлатимиз раҳбари халқаро автомагистрал бўйлаб кўчат экиш, яшил қоплама ташкил этиш лозимлигини таъкидлаган эди. Унга кўра, М-39 халқаро автомобиль йўлининг Термиз, Ангор, Музработ ҳамда Шеробод туманлари ҳудудидан ўтувчи 70 километрдан ортиқ қисмида “яшил белбоғ” яратилди. Бу ерга 290 мингдан ортиқ кўчат экилди. Ҳудудда сув ҳавзалари бунёд этилиб, емиргилатиб сугориш тизими ўрнатилди.

— Биз “Яшил макон” деган хайрли ташаббус орқали келажак учун кислород манбаларини барпо этияпмиз. Зеро, ўзбек халқи “болам” деб яшайди. Халққа тўғри тушунтириш, ҳамма кўчат экиш учун чиқади. Шу қулларда минглаб одам яхши ниятда ниҳол қадаммоқда. Бугун бунинг аҳамияти сезилар-сезилмас, яқин келажакда эса фарзандларимиз бу хизматдан миннатдор бўлади, мана кўрасиз, — дейди Ангор туманидаги “Чинобод” МФЙ раиси Улпарно Маматова. — Кўчат экиш, боғ барпо этиш тобора халқимизнинг маданиятига айланган бормоқда. Бугун Сурхондарёдаги, Бандихондаги қай бир маҳаллага кирманг, қай бир кўчига қараманг, ерга ҳавас билан дароҳт экилаётганини кўришингиз мумкин. Ушбу жараён илмий ёндашув асосида ташкил этилмоқда. Ҳудуднинг табиий иқлим шароитига мос кўчатлар танлаб олинди, ерга мослаштириш, яхши илдиш этиши ва кўп йил давомида салқинлик манбаи бўлиб қолиши инобатга олинмоқда.

Мутахассислар фикрича, бир гектар майдондаги дароҳтлар бир кеча-кундузда 220-275 килограммга қарбонит ангидрид газини ютиб, 180-215 килограмм кислород ажратар экан. Бу микдор эса кун давомида ўртача 500 кишини кислород билан таъминлашга етади. Бошқача айтганда, тўртта дароҳт бир кишининг кислородга бир кунлик эҳтиёжини қондиради. Ушбу маълумотларни бежиз келтирмадик. Чунки юртимиз бўйлаб амалга оширилаётган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида миллиарддан ортиқ дароҳт кўчати экиш мақсад қилинган. Бу — ҳудудларда янги мевали боғлар, хиёбонлар, ўрмонлар пайдо бўлади, дегани. Шаҳаро кишлоқларимиз бугунгидан кўракамлашадди, нафас олиб турган ҳавомиз тоза бўлади. Ватанимиз чин маънода яшил маконга айланади.

Сарвар Тўраев,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ЮКСАЛИШНИНГ ЭНГ ҚИСҚА ЙўЛИ



Абдуғаффор Жўраев,
иқтисодиёт фанлари доктори,
профессор

Нуқтаи назар

Шу қаторда тараққий этган қудратли давлатлар ортидан юзлаб мамлакат юксалиш сари одимламоқда. Улар миллий иқтисодиётини янада ривожлантириш баробарида тараққийнинг дунё тан олган йўлидан бораётир. Бунда, аввало, давлатларнинг қўлай географик жойлашуви, капиталлашуви, инвестиция оқими, ёшлар сони ва илм-фанга ажратилаётган сармоҳа ҳамда замонавий таълим муҳим омилдир. Иқтисодиётнинг фақат бир турдаги маҳсулотларга асосланган давлатлар ўзининг бу борадаги келажини қайта қўриб чиқишга мажбур бўлмоқда. Масалан, Саудия Арабистонининг асосий ялли ички маҳсулоти нефть ва нефть маҳсулотлари ҳисобига тўғри келса-да, охириги йилларда нефть захираси тобора камайиб бораётганини инобатга олган ҳолда, ушбу давлат замонавий инновацион лойиҳалар, жумладан, смарт шаҳарлар қуриш ва туризмни ривожлантириш ҳақида бош қотирмоқда.

Умуман олганда, бугунги тезкор ривожланган ва ривожланаётган давлатлар иқтисодиётида смарт лойиҳалар кўпчилиги, давлат ва хамият бешқарувига ахборот технологиялари имконияти кенг жорий этилиши одатий ҳол. Бу жараён ўша давлатлар иқтисодиётида сарф-харажати камайитиб, даромадини янада оширишга хизмат қилади. Маъмурий бошқарув тизимида инсон омиллини камайитиб, коррупцион жараёнларнинг олди олинди. Натияжада давлатнинг барқарор ривожланиши таъминланади. Ривожланган давлатларнинг тарихий тараққийети замирида ўша давлатнинг даставвал таълимга, илм-фанга эътибори ва рағбати ётади. АҚШ, Япония, Германия, Франция, Англия ҳамда Жапоний Корей каби давлатларнинг илм-фани ва таълим тизимини ҳам юқори даражада тараққий этганини эътироф этиш зарур.

Яқин 20-30 йилда иқтисодий тараққийетда катта ютуқларни қўлга киритган Хитой, Хиндистон, Сингапур, Индонезия, Малайзия сингари давлатларнинг тезкор ривожланиши марказида ҳам ўз вақтида таълимга берилган эътибор туради. Ушбу мамлакатларда замонавий илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси юқори даражада йўлга қўйилган. Барча соҳага илгор инновациялар жорий этилмоқда. Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида олий таълим битирувчиларнинг ҳиссаси етакчи ўринда. Мисол учун, Хитой ҳозир иқтисодиёти ва ялли ички маҳсулоти бўйича АҚШдан кейинги ўринни эгаллаб турибди. Юқори технологияли маҳсулотлар, электромобиллар, туризм, молия бозори каби соҳаларда етакчилик қилмоқда. Мамлакат ўз аҳолисини боқиб билан бирга жаҳондаги кенг қўламли озиқ-овқат ва кийим-кечак экспортчиси ҳамдир. Шу қаторда таълимнинг барча бўғини, хусусан, олий таълим ҳам жадал ривожланиб бормоқда. Бунинг сўнги йилларда Хитойдаги олий таълим муассасаларида хорижий талабалар сони тобора ортиб боришида ҳам кузатиш мумкин.

Хиндистон ҳам кейинги йилларда тезкор юксалаётган давлатлардан. Айниқса, тиббиёт, фармацевтика, ахборот технологиялари соҳалари мамлакатда жуда ривожланган. Ҳозир дунёнинг энг йирик технология гигантларини хиндистонлик мутахассисларнинг иштирокисиз тасаввур қилиш мушкул. Чунки, АҚШнинг Силикон воқийидаги стартап лойиҳаларнинг 25 фоизини келиб чиқиб хиндистонлик бўлганлар бошқаради. Ушбу давлатдаги дастурлаш визаларининг 70 фоизи хиндистонликларга насиб этади. Twitter тармоғини бир йил бошқарган Параг Агриявал, Google бош директори Сундар Пичай,

Microsoft компанияси раҳбари Сатя Наделла ҳам хиндистонлик. Албатта, хиндларнинг бу каби ютуқлари замирида сўнги 30 йилликдаги таълим ислохотлари турибди. Хиндистонда аниқ фанларга иختисослашган йўналишларга алоҳида ургу бериларкан, мамлакат жаҳонда STEM йўналиши бўйича мутахассисларнинг 31 фоизини етиштириш орқали жавоб берди. STEM фанларини яхши ўқитиш миллионлаб болани рақамли оламга тайёрлаш ва янги ривожланган дунёни англашга туртки бўлди. Бу давлат STEM фанлари аҳамиятини чуқур тушуниб етган ва келажак кадрларини тайёрлаш учун уни миллий таълим сиёсати даражасига кўтарган. Шу таълим сиёсати натижаси ўлароқ ҳозир минглаб хинд битирувчилари АҚШдаги энг катта компанияларга жойлашмоқда.

Бугунги глобаллашув даврида қўндалик ҳаётимизни ахборот-коммуникация технологиялари, компьютерлар ва интернетсиз тасаввур қилиш мушкул бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам рақамли технологиялар аста-секин қўндалик ҳаётимизга сингиб бораётир. Айнан ана шу муҳим жиҳатни ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимизда 10 дан зиёд техника ва

рақамли технологиялар йўналишида мутахассислар тайёрлайдиган олий ўқув юрлари фаолияти йўлга қўйилган.

Таълим соҳасида рақамли технологиялардан фойдаланиш педагоглар ва талабалар учун қўлай. Улар ўзи истаган вақтда билим олиш имконига эга. Бундан ташқари, таълимда рақамли технологиялардан фойдаланиш орқали биз бир қанча имкониятга эга бўламиз: биринчидан, педагог кадрлар етишмайди-дан ҳудудларда ҳам ўқувчиларнинг онлайн ёки масофавий шаклда ўқутилиши мумкин; иккинчидан, профессор-ўқитувчилар ва талабалар интернет тармоғидан ўзи истаган фанга оид маълумотларни олиш, излаш, тарқатиш ва ундан фойдаланиш имконига эга бўлади; учинчидан, тизимда рақамли технологиялардан фойдаланиш асосида таълим самарадорлигини ошириш, вақт ва маблағ сарфини камайитириш; тўртинчидан, таълим жараёнига рақамли технологияларни қўллаш орқали ўқувчиларнинг шушунки фанларни ўзлаштириши эмас, балки билимларни қай даражада ўзлаштираётгани ва муаммоли вазиятларга тайёрлиги ҳамда танқидий тафаккури шаклангани, шунингдек, ўз устида мустақил ишлаш олиш қобилиятини ривожлантириш каби имкониятларга эга бўламиз.

Президентимиз 2020 йили Олий Мажлиста Мурожаатномасида “Тараққийетга эришиш учун рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллашимиз зарур ва шарт. Бу бизга юксалишнинг энг қисқа йўлидир бориш имкониятини беради”, деган эди. Мазкур хитоб мамлакатимизда рақамли иқтисодиётнинг ривожлантиришда туб бурилиш яшаш билан бирга рақамли технологияларни ижтимоий ҳаётнинг барча соҳасига, жумладан, таълим тизимига ҳам жорий этишни назарда тутди.

Таълим тизимининг барча йўналишига рақамли технологияларни жорий этишга қаратилган фаолиятни янада такомиллаштириш учун бир қанча вазифани муваффақиятли ҳал этиш зарур. Мамлакатимизда интернет тезлигини янада ошириш ва алоқа сифатини

XXI асрнинг дастлабки чораги ҳадемай якунига етади. Ҳаёт шиддат билан ўтиб бормоқда. Ҳамма ахборот маконига шўнғиғанда гўё. Бугун турли фоялар, қандам-қарши фикрлар, хилма-хил маънавий мавзуларга бурканган ҳаёт оғушида яшайпмиз. Илгари бир хабарнинг ёйилиши учун ҳафталаб, ойлаб вақт кетган. Ҳозир жоннинг қайсида чеккасида содир бўлган воқеа ҳақидаги ахборот қўлимиздаги замонавий қурилма — уяли алоқа воситаларида бир зумда пайдо бўлмоқда. Дунё манзараси ҳам аввалгидек эмас. Айни вақтда халқаро муносабатлар ҳам тез ўзгарувчан ва мослашувчан. Кучлар нисбати турли вазиятларга қараб тез-тез ўзгариб турибди. Гегемонликка даъво қилувчи давлатлар сони кун сайин ошиб бормоқда.



Бугуннинг гапи

Самарқанддан САН-РЕМОГАЧА

Ёхуд мамлакатимизда туризмнинг янги даври бошланмоқда

Бошланиши 1-бетда

Таъкидлашчиша, Шахрисабзда Оксарой, Хивада Ичан қалъа, Бухорода Лаби ҳовуз, Тошкентда “Янги Ўзбекистон” майдонлари бўлса-да, уларда концерт, кўргазма, форумлар ўтказиш бўйича режа қилинмаган. Агар ўзимиздаги мавжуд туристик марказларда халқаро даражадаги санъаткорлар концертлари ташкил қилинса, меҳмонхона, ресторан, кафе, савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари сайёҳлар билан гавжумлашади. Шу муносабат билан мутасаддиларга камида 1 миллион сайёҳни олиб келадиган концерт, бизнес-форум ва кўргазмалар ўтказиш дастурини ишлаб чиқиш топширилди.

Фараз қилинг, агар шу топшириқ тўлиқ удаланса, рақамлар каррасига ошиб кетиши ҳеч гап эмас. Негаки мамлакатимизнинг бой тарихи, маданий мероси, ҳудудлар инфратузилмаси ҳар бир вилоят, шаҳар, туманларда катта ва йирик анжуманлар ўтказиш имконини беради. Айниқса, шу пайтга қадар Самарқанд, Тошкент, Фарғона вилоятлари, Қорақалпоғистоннинг қатор туман ва шаҳарлари мезонлик қилиб келётган очиқ осмон остидаги фестиваллар, концертлар, бизнес-форумлар кўлами ва нуфузини оширишга барча шароитлар бор.

Ўтган асрнинг 80-90-йиллари италян эстрадасининг юксалиши чўққиси, юлдузли даври сифатида тарихга кирган. Сан-Ремо шаҳрида ҳар йили мамлакат эстрада юлдузлари иштирокида шу ном билан халқаро мусиқий фестивал ўтказиларди. Унда асосан, маҳаллий хонанда ва бастакорлар иштирок этар, хорижлик кўшиқчилар орасида эса юрак ютиб саҳнага чиққан дегани санокчи бўларди. Аммо дунёнинг даярли барча давлатидан мусиқа ихлосмандлари Италияга етиб келар, мисли кўрилмаган қиммат нарҳда чинта сотиб олиб, фестивални бевосита концерт залида томоша қиларди. Саҳнадаги чиқишлар жараёни ва голибларни тақдирлаш маросими телевидение орқали берилар, миллионлаб томошабинлар экран қаршисига миҳланарди.

Айни ўспиринлик пайтимиз биз беш-ўн синфдош гоҳ бизникида, гоҳ бошқа дўстимизникида йиғилиб, Сан-Ремо фестивалига мухлислик қилардик. Ахир магнитофон тасмалари, грампластинкаларда биз кўшиқларини уззукун тинглайдиган хонандалар саҳнада жонли куйлашар, куйлаганда ҳам дунё мусиқа шинавандаларига завқ улашиб ижро қилишарди-да. Болалик ва балоғат ёши таваққури ила дўстларим билан қачондир ўша дунёни маҳлиё қилаётган концертга бориш, телеэкран орқали эмас, бевосита олди қаторларда ўтириб томоша қилиш орзуси билан ширин суҳбатлар қурадик. Қачондир улғайиб, етарли маблаг тўплаб, Италияга борамиз деб бир-биримизга сўз берардик.

Кейинчалик катта синфга ўтганимизда ҳамма ўз қизиқиши, ўз иқтидорига кўра турли йўналишларга оғиб кетди. Каминга адабиёт, бадий ижодга меҳр қўйдим. Газета, журнал, китобларга ошно бўлдим. Айниқса, ҳажвия, сатира ва юмор йўналишидаги битикларни севиб мутлола қилардим. Ўша кезлар “Габрово латифалари” ўқувчилар орасида оммалашган эди. Нашрларда шу рунда ҳажвий асарлар эълон қилинар, Габрово латифа ва ҳангомалари китоб ҳолида чоп этиларди. Қизиқсам, Болгариянинг “Жаҳон юмор пойтахти” деб ном олган Габрово шаҳрида ҳар йили сатира ва юмор фестивали ҳам ўтказилиб, унда ушбу йўналишда ижод қиладиган қаламқашлар қатнашар, кулги анжумани ҳафталаб давом этар ва турли мамлакатлардан нафақат ижодкорларни, балки бадий ижоднинг минглаб оддий мухлисларини ҳам жамлар экан. Ўзимни



Нодир МАХМУДОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

бир-икки ҳажвий машқлар муаллифи деб ҳис қилиб, кейинчалик, албатта, Габрово кулги анжуманида қатнашман, дунёда ягона сатира ва юмор музейини кўраман, деган мақсадни кўнглимнинг бир чеккасига тугиб қўйдим.

Бу энди болалик, ўсмирлик хотиралари. Вақт ўтиб, мақсадлар, қизиқишлар, шароитлар ўзгариб, Сан-Ремо ва Габровога бориш нияти чекинди. Хўш, унда юқоридаги икки ҳолатни нега эсладим? Асосийси, мусиқа ёки ҳажвий анжуманлари эмас. Гап ана шу ва шу каби тадбирлар дунёнинг турли бурчакларидан минглаб меҳмонларни жалб қилишида.

Мақолани тайёрлаш асосида интернет тармоғидан бир маълумотга дуч келдим: 1950 йилдан бунён мунтазам ўтказиб келинган Сан-Ремо мусиқа фестивали Италия газнасига миллионлаб даромад келтирар экан. Ўтган 2024 йилда мамлакат ушбу тадбир ортидан 60 миллион, рекламалар ҳисобига эса 42 миллион евро ишлаб олган. Фестиваль кунлари шаҳарга келадиган сайёҳлар сони 3 баробар ортган.

Болгария бўйича сайёҳлар энг кўп ташриф буюрадиган ҳудуд ҳам Габрово экан. Минг-минглаб одам ата-йири фестивал ўтадиган иншоотлар, музей, турли ҳажвий персонажларга қўйилган ҳайкаллари кўрган келади. Бу даромад дегани, маданият ва маънавият ортидан келётган моддий, иқтисодий барқарорлик деганидир.

Видеоселектор йиғилишида Президентимиз жон куйдириб кўтарган масаланинг моҳиятида маънавиятни иқтисодиётга, иқтисодиётни маънавиятга хизмат қилдириш мақсади мужассам. Дарҳақиқат,

бошқа давлатлар, иқтисодиётлар турли шакл ва ёндашувлар орқали удаллаб келётган ушбу вазифи шунча имконият ва шароит, бой маданий мерос, табиий қулайликларга эга мамлакатимизда ҳам удаллашнинг вақти келди.

Дарвоқе, имконият ва шароитлар ҳақида. Имконият ҳам, шароит ҳам бор, тан олайлик, давлатимиз раҳбари саъй-ҳаракати билан улар сони ҳамда салмоғи тобора ортиб борапти. Масалан, Туризм қўмитаси маълумотларига кўра, соҳада кечётган ислохотлар туфайли Жаҳон туризм ташкилоти Ўзбекистонни туризм хизматларидан тушган тушумлар (экспорт) бўйича дунё бўйлаб “иккинчи энг яхши йўналиш” сифатида кўрсатди. Жаҳон иқтисодий форуми томонидан эълон қилинган “Саёҳат ва туризмни ривожлантириш индекси” тадқиқотида кўра, Ўзбекистон 2024 йилда “Туризмни ривожлантириш бўйича дунёнинг энг фаол мамлакати” деб топилди.



Лондон шаҳрида бўлиб ўтган маросимда юртимиз нуфузли “Wanderlust Reader Travel Awards 2024” мукофотининг “Энг яхши ривожланаётган йўналиш”



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ
ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



номинациясида голиб бўлди. “Wanderlust” журнали Буюк Британиянинг 1-рақамли саёҳат журнали ҳисобланади.

Яна видеоселектор қайтсак. Йиғилиш кун тартиби ҳудудларда хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш мавзусида экан, у ўзида қандай масалаларни жамлади? Уч йил олдин бу борада катта дастур қилинган эди ва у бугун натижасини берапти. Сервис соҳасида кўшимча 1,5 миллион аҳоли доимий даромадга эга бўлди. Хизматлар миқдори 2018 йилдаги 19 миллиард доллардан 65 миллиард долларга ошди. Айниқса, ахборот технологиялари, молиявий хизматлар, туризм, авиация, таълим ва тиббиёт соҳаларида “катта сакраш” бўлди.

Хизмат йўналишида энг йирик соҳа — туризм. Сўнгги йилларда 90 дан ортиқ давлат билан алоқалар яхшилангани натижасида хорижлик сайёҳлар сони қарий 4 карра ошди. Ўтган йили туризм хизматлари экспортни 3,5 миллиард доллар бўлди. Лекин мамлакатимизнинг салоҳияти бундан анча юқори. Масалан, Малайзия ва индонезиялик мусулмонлар умрага боришдан олдин аллоамларимиз қабрини зиёрат қилишни хоҳлайди. Йиғилиш давомида улар учун “Умра плюс” хизмати йўлга қўйилиши вазифаси ва ушбу топшириққа масъул деб тилланди.

Ижтимоий соҳаларда ҳам имкониятлар кўплиги кўрсатиб ўтилди. Масалан, ўтган йили “Тиббий хизматлар меҳмондўстлиги” дастури йўлга қўйилган эди. Бу хорижий фуқароларни даволash ва экспортни ошириш учун қулайлик. Сўнгги саккиз йилда 125 та янги олий таълим ташкилоти очилган. Лекин бу соҳадаги экспорт имкониятларга мутлақо мос эмас. Ёки бўш турган айрим маданият ва санъат марказларини ҳам хусусий секторга бериш мумкин.

Бу йил хизматлар ҳажмини 15 фоз ошириб, 82 миллиард долларга, экспортини эса 8,5 миллиард долларга етказиш, соҳада 2,5 миллион одамни даромадли қилиш мўлжалланган. Йиғилишда имкониятлар

бундан ҳам кўплиги таъкидланди, уларни ҳаётга таъбиқ этишда ҳудуд ва соҳаларда яхлитлик етишибеётгани каби муаммолар таҳлил қилиниб, уларнинг ечимлари кўрсатиб ўтилди. Шунингдек, сўнгги етти йилда аҳоли даромади ва тўлов қўбилияти икки карра ўсгани натижасида хизматларга талаб ортаётгани қайд этилди.

Сайёҳлик деганда фақат ташқаридан келиб-кетувчилар эмас, ўз фуқароларимизнинг ҳам мамлакат бўйлаб ҳаракатланиши тушунилади. Яъни ички туризмни ривожлантириш орқали хорижий сайёҳларни кўпроқ жалб қилиш мумкин. Шу мақсадда юртимизда “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил” дастури ишга туширилган. Унинг доирасида республика бўйлаб корхона ва ташкилотларда фаолият юритаётган ходимлар ҳамда маҳаллалардаги аҳолининг саёҳатлари йўлга қўйилган.

Бундан ташқари, Президентимизнинг 2022 йил 30 апрелдаги “Ички туризм хизматларини диверсификация қилишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида ўқувчи, талаба ва ёшларни юртимизнинг диққатга сазовор жойлари, қадимий ёдгорликлар, муқаддас қадимжолар билан таништириш мақсадида “Ватанимизнинг тарихини ўрганаман” ва “Мозийга саёҳат” лойиҳаларини амалга оширишга амалий қадам ташланди.

Сайёҳлар оқими кўпайиши яратилган шароитга боғлиқ. Бугун дунё табиати мувозанатидаги беқарорлик эко ва этнотуризмга алоҳида эътибор қаратишни тақозо этмоқда. Шу муносабат билан юртимизда этнотуризмни ривожлантириш ва улардан туризм ташриф объекти сифатида фойдаланиш мақсадида Самарқанд вилоятида 9 та, Тошкент вилоятида 3 та, Бухоро ва Фарғона вилоятларида эса 1 тадан мазкур туризм турига ихтисослашган корхоналар рўйхати шакллантирилди. Бу объектларда сайёҳларни қабул қилиш учун шароитлар яратилиб, туристик ташкилотлар билан ҳамкорликда сайёҳлик дастурларига кири-тилди.

2024 йилда туризм соҳасида жами 2,8 миллиард долларлик 591 лойиҳа амалга оширилиб, 19 минг 428 та янги иш ўрни

яратилди. Туристтик салоҳияти юқори бўлган 20 та туман ва шаҳар бўйича қиймати 50 миллион долларлик инвестиция жалб қилиш юзасидан лойиҳа пакетлари ҳамда янги лойиҳаларнинг манзилли рўйхати шакллантирилди.

Март, апрель ва май ойларида барча ҳудудларда “Ички туризм ярмаркалари” ўтказилди. Тадбирлар ички туризм йўналишидаги 1700 га яқин тадбиркорлик субъекти, 18 мингдан ортиқ иштирокчи ташриф буюрди. Ярмарка доирасида ички саёҳатларни ташкил этиш билан боғлиқ 1300 дан ортиқ шартнома ва битим имзоланди.

Ички туризм қамрови кенгайиб боргани сари сайёҳларга хизмат кўрсатувчи ташкилотларга талаб ҳам ортиб бориши табиий. Ана шу омилни ҳисобга олиб, сайёҳларга хизмат қилувчи 1866 та янги туристик ташкилот фаолияти йўлга қўйилди ва уларнинг сони 3686 тага етказилди.

Юқорида мавжуд майдонлар, иншоотлар, туристик марказларда халқаро даражадаги санъаткорларнинг концертлари, кўргазма, форумлар ўтказиш, шунда меҳмонхона, ресторан, кафе, савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари сайёҳлар билан янада гавжум бўлиши масаласи ҳам видеоселектор йиғилишида алоҳида тилга олинганга эътибор қаратган эдик. Шу ўринда бир муҳим янгилик ҳақида тўхталмоқчимиз. Энди сайёҳлар учун ўзлари ташриф буюрган ҳудудда турли театр томошаларида иштирок этиш, мусиқали шоулар уюштириш, ҳаво шарида экскурсия қилиш, борган объектлар тарихи ҳақида қисқа метражли фильмлар томоша қилиш ҳамда бошқа янги хизмат турларидан фойдаланиш имкони яратилди.

Шунингдек, сайёҳларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш мақсадида қўшимча 400 нафар янги гид-таржимон ўқитилиб, ўрнатилган тартибда фаолияти йўлга қўйилиши кўзда тутилган. Бухоро, Қорақалпоғистон, Қашқадарь ва Наманган вилоятларида 4 та туризм кластери, Фарғона вилоятида 1 та туризм рекреацион зонаси, Бўстонлик ҳамда Шахрисабзда 2 та дор йўли фойдаланишга топширилди.

Бугун Ўзбекистонда халқаро “Шарқ тароналари”, Бахшичилик санъати, “Лазги”, Жаҳон ҳунарманлик, мақом, аския санъати, “Дунё садо”лари миллий эстрада санъати, “Бойсон баҳори” фольклор фестиваллари, “Ипак ва зирварлар”, “Атлас” байрамлари сингари нуфузли анжуманлар, маданият кунлари, тасвирий ва амалий санъат кўргазмалари ҳамда бошқа муҳим тадбирларни ўтказиш тизимли йўлга қўйилган. Сўнгги йилларда бундай анжуманлар кўпайди. Айниқса, Самарқандда ўтаётган анъанавий “Шарқ тароналари”, Хива мезонлигидаги “Лазги” фестиваллари ва қатор анжуманлар дунё санъат шайдаларини бирдек ўзига жалб қилиб келтири. Бу қайсидир маънода Ўзбекистоннинг жаҳон аҳлини тинчлик-тотувликка, қардошлиқ ва аҳилликка чақирадиган эзгу давват бўлиб ҳам жаранламоқда.

Мақола давомида ўсмирлигимиз Италия ва Болгария сафари ораси билан ўтганини ярим армон, ярим ҳавас билан мутлоқ қилгандик. Ишонч билан айтиш мумкинки, заманимиз бугун мезонлик қилаётган маданият ва санъат анжуманлари моҳият-эътиборига кўра, Сан-Ремо ва Габрово фестивалларидан ортиқ бўлса ортиқки, асло кам эмас. Яна ишонамизки, дунёнинг қайсидир давлатларида ушбу маданият ва санъат байрамларида келиш, иштирок этиш, бевосита томошабин бўлишни орзу, мақсад қилаётган ўсмирлар, хавасмандлар кун сайин кўпайиб борапти.



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА
АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБАСИДА ЎҚИШ
УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока”
газеталари тахририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланган.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-246.
36060 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нарҳда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Лутфулла Сувонов
Мусаҳҳих: Шерзод Маҳмудов
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шахрисабз кўчаси, 85-уй

Ўза яқуни — 20:50 Топширилди — 23:10